

ДАРАХТЛАР

(Шеър)

Бардошингиз учун куллуқ, дарахтлар!
Бир жойда кўкариб, ёйдингиз қулоч.
Чидадингиз бўрой қутурган вақтлар,
Қахратон қаҳрида юпун, яланғоч.

Челаклаб сув урди кузги булутлар,
Қора совуқ тиғлаб бағрингиз ёрди.
Баъзан пойингизга туташди ўтлар,
Гоҳ бошингиз чакмоқ, уриб юборди...

Сиз ўсавердингиз қатъий ва ўжар,
Юксалавердингиз матонат билан,
Кўксингиз ўйса ҳам дурадгор қушлар,
Ризқингиз қийса ҳам чирмовиқ - илон.

Қаноат қилдингиз йил келса қурғоқ.
Япроқлар мушт бўлиб тугилди қатор.
Танангизни қучиб боссалар қулоқ
Жаннат ариғининг шовурлари бор.

Мевалар тўкасиз дастурхонларга,
Тозалаб берасиз аччиқ ҳавони.
Суяниб сиздаин қадрдонларга
Ўйлайман бетийиқ, саёқ дунёни.

Пўстлоғингиз силаб томиримда нур,
Қўшиғингизда бор хушбуй дарақлар.
Борингизга шукр, Сизга ташаккур,
Ватандош дарахтлар, юртдош дарахтлар!

ТОШОТАР

(Шеър)

Булар жуда жиддий - қошлари тугун,
Сопқонда сўз отиб, йикиб турибди.
Мукбил тошотарлар ўрнига бугун
Мухбир тошотарлар чиқиб турибди.

Мукбил тошотар тош отарди ёвга,
Ҳақсизликни кўрса килмасди тоқат.
Мухбир тошотар тош отмас бировга,
Пойлаб ўзиникин чайнайди фақат.

Кўкрак кериб, мағрур юрарди Мукбил,
Ким кўрган йигитнинг чекинганини?
Отини, зотини яширар мухбир,
Кўринг, интернетга бекинганини!

Шармандага кенгдир бугун интернет,
Сичқон ҳар жойга бош суқиб турибди.
Мукбил тошотарлар ўрнига сурбет
Мухбир тошотарлар чиқиб турибди!

Ўзбекистон халқ шоири
Иқбол Мирзониинг
“Айтгил дўстим нима
қилдик Ватан учун?”
китобидан